

**“Sirg’ali dehqon bozori” акциядорлик
жамияти Кузатув кенгашининг
МАЖЛИС БАЁНИ**

24 феврал 2026 йил

Тошкент ш.
соат 15-00.

Ўтказилган жойи: Сергели тумани, Янги Сергели кучаси 28 уй.

Кузатув кенгаши раиси

К.Расулов

Кузатув кенгаши аъзолари: Ш.Ш.Шамансуров, Т.С.Иброхимов, С.Ю.Каримов ва
А.Умаров.

Кворум 100.0 %

Кун тартиби:

*Жамият уставига жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш ҳамда
жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ
ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш.*

Кун тартибидаги масала кўриб чиқилди ва ушбу масала бўйича кенгаш аъзоси С.Ю.Каримов тушунтириш бериб, куйидагиларни айтиб ўтди:

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 18-моддасига мувофиқ, кўшимча акциялар факат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкинлиги;

Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил 14 октябрдаги қарорига асосан “Sirg’ali dehqon bozori” АЖнинг устав капиталини номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмдан бўлган 46826 (қирқ олти минг саккиз юз йигирма олти) донга умумий қиймати 46 826 000 (қирқ олти миллион саккиз юз йигирма олти минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар чиқариш орқали кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилингани;

Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги” Қонуни ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 сентябрда 2000-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш” қоидаларининг талабларига мувофиқ “Sirg’ali dehqon bozori” АЖнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори тасдиқлангани ва Давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига топширилгани;

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига топширилгани томонидан 2025 йил 15 декабр куни Q0170-4 сон билан жамият ҳужжатлари ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгани;

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидан 2025 йил 30 декабр олинган № 312/1184/25-сонли операцияларни бажарганлиги ҳақидаги ҳисоботга кўра акциялар ёпиқ шаклда тўлиқ 100% жойлаштирилгани.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 75-моддасида “акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият уставига кўра жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига - жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш” масаласи киритилгани;

Жамиятнинг 2022 йил 15 сентябрда тасдиқланган амалдаги устави 10.3. бандида (18 хатбоши) жамият кузатув кенгаши ваколатига “жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш” киритилгани;

Кенгаш аъзолари мазкур масалани кўриб чиқишди.

Жамият мутахассиси Э.Кучаров сўзга чиқиб, юқоридагиларга асосан;

“Sirog'ali dehqon bozori” АЖнинг амалдаги 650.000.000 сўмлик устав капиталини 46 826 000 (қирқ олти миллион саккиз юз йигирма олти минг) сўмга кўпайтириб, янги устав капиталини 696 826 000 (олти юз тўқсон олти миллион саккиз юз йигирма олти минг) сўм этиб тасдиқлаш;

жамият уставининг 4.8. бандида кўрсатилган умумий қиймати 10.000.000.000 (ўн миллиард) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 10.000.000 (ўн миллион) дона эълон қилинган акциялари сонини умумий қиймати 46 826 000 (қирқ олти миллион саккиз юз йигирма олти минг) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 46.826 (қирқ олти минг саккиз юз йигирма олти) донага камайтириб, умумий қиймати 9 953 174 000 (тўққиз миллиард тўққиз юз эллик уч миллион бир юз етмиш тўрт минг) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 9.953.174 (тўққиз миллион тўққиз юз эллик уч минг бир юз етмиш тўрт) дона этиб тасдиқлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчаларни жамият уставига киритилишини айтиб ўтди.

Қун тартибида муҳокама этилган масалалар юзасидан

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

1. “Sirog'ali dehqon bozori” АЖнинг амалдаги 650.000.000 сўмлик устав капитали 46 826 000 (қирқ олти миллион саккиз юз йигирма олти минг) сўмга кўпайтирилиб, янги устав капитали 696 826 000 (олти юз тўқсон олти миллион саккиз юз йигирма олти минг) сўм этиб тасдиқлансин.

2. “Sirog'ali dehqon bozori” АЖ уставининг 4.8. бандида кўрсатилган умумий қиймати 10.000.000.000 (ўн миллиард) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 10.000.000 (ўн миллион) дона эълон қилинган акциялари сонини умумий қиймати 46 826 000 (қирқ олти миллион саккиз юз йигирма олти минг) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 46.826 (қирқ олти минг саккиз юз йигирма олти) донага камайтирилиб, умумий қиймати 9 953 174 000 (тўққиз миллиард тўққиз юз эллик уч миллион бир юз етмиш тўрт минг) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 9.953.174 (тўққиз миллион тўққиз юз эллик уч минг бир юз етмиш тўрт) дона этиб тасдиқлансин;

3. Мазкур мажлис баёни қарори 1 ва 2 бандларидан келиб чиқиб, жамият уставига ушбулар билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда жамиятнинг янги таҳрирдаги уставни тасдиқлансин.

4. Мазкур мажлис қарори бўйича ҳужжатларни қонун доирасида расмийлаштириш жамият директори в.б Ф.У.Бегнаевга юклатилсин.

Мажлис раиси

К.Расулов

Кузатув кенгаши аъзолари

Ш.Ш.Шамансуров

Т.С.Иброхимов

С.Ю.Каримов

А.Умаров.

Баённомани олиб борди:

Э.Б.Кучаров